

# MILLIY TIKLANISH



14 (335) ● 2015 йил 8 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Қорақалпоғистонда ЎзМТДПдан вакиллик органларига 31 нафар депутат хотин-қизлардан сайланган**

**ЎзМТДП мурувват, кечиримлилик, ва бағрикенглик каби фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифа деб билади**

**Партия ташкилотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ўйлантираётган масалаларга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқмоқда**

## Сайлов якунлари

2015 йил 6 апрель куни Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари, сиёсий партиялар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислоҳ Каримовни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод Акмал Саидовга сайловчиларнинг 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмоновга 552 минг 309 нафар ёки сайловчиларнинг 2,92 фоизи, "Адолат" социал демократик партиясидан номзод Наримон Умаровга 389 минг 24 нафар ёки 2,05 фоиз сайловчи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан, сайловда рўйхатга киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафар овоз беришда иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 91,08 фоизини ташкил этади.



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олован сураётган

## Тенглик, очиқлик, ошкоралик

Президент сайловининг бош мезонига айланди

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этаётган мамлакатимиз келажаги учун тарихий аҳамиятга эга воқеликдир, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов. — Мазкур муҳим сиёсий тадбир мамлакатимиз фуқароларининг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигини намойён этди. Фуқаролар сайловда иштирок этиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга юксак муносабати ва содиқлигини яна бир бор намойён этди. Ҳар бир сайловчи юртимиз тараққиёти, ўз келажаги, фарзандлари бахту иқболи учун овоз берди.


Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 14, 35, 36-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ, Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди. Президент сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро умумэтироф этилган нормаларга мувофиқ, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаган ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин

овоз бериш тамойиллари асосида бўлиб ўтгани таъкидланди.

Муҳим сиёсий жараёнда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 43 давлатидан ва бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоҳ ҳамкорлиги ташкилотидан 299 кузатувчи иштирок этгани сайлов кампанияси демократик ва шаффоф тарзда ўтганининг ёрқин далилидир. Шунингдек, сайлов жараёнини сиёсий партияларнинг 35 мингдан зиёд вакили кузатиб борди.

> 2-бет.

## Ушбу сонда:




**Буюк сарқарданинг халқона дипломатияси**

Мустақиллик йилларида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан бири, бу — миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган бекиёс ишлардир.

> 5-бет.

## Компьютер ўйинлари

"овунчок"ми ё таҳдид?



> 7-бет.

## Маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи

ЎзМТДП бундан кексаларга ҳурмат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби анъаналарда кўрмоқда



> 2-бет.

## Ташаббус натижа берди

Мамлакатимизда маҳалла тизимини ривожлантириш, ушбу ноёб тузилманинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамиятини янада ошириш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Мустақиллик йилларида маҳалла атамаси илк бор Конституциямизга киритилиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

## Улуғнорда янги маҳалла ташкил топди

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари туман кенгаши сессияси қарор қабул қилди

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам маҳаллани ҳар жиҳатдан ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилди. Шу асосда янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ҳозирда давлат ҳокимиятига тегишли 30 га яқин ваколат маҳаллага ўтказилиб, унинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузи янада мустаҳкамланди.

> 4-бет.

## Электорат минбари

### Тарихий обидалар — маънавият асоси

уларни асраш ва келгуси авлодга етказиш партиянинг асосий вазифаларидан бири

Ўзбекистон — инсоният цивилизацияси пайдо бўлган ва ривожланган ҳудудлардан бири сифатида буюк аждодлар қолдирган бебаҳо осори-атиқалар, муқаддас қадимжолар, маънавий-маданий меросга бой мамлакат. Қўллаб қўҳна ва бетакрор обидаларимиз асрлар давомида жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда.



лий, балки дунё олимлари орасида тобора кучайиб бораётгани барчамизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди.

Тарихчи бўлганим учун юртимизда жойлашган қутлуғ қадимжолар, тарихий-мезморий обидалар ҳақида маълумотларга эга бўлиш, уларни асраб-авайлаш, ёшларда улардан фахрланиш туйғусини шакллантиришни ўзимнинг бурчим деб биламан. Мавжуд маданий ёдгорликларни, юртимиз шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, мезморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлашга кўмаклашаётган ЎзМТДПнинг мақсад-вазифаларининг қарашларим билан муштарак. Шу боис мазкур партиянинг аъзоси сифатида унинг барча тадбир ва лойиҳаларини фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан. Айниқса, ҳар йили муқаддас қадим-

жоларни обод этиш мақсадида партия "Ёшлар қаноти" томонидан "Юртим тарихини ўрганиш" шiori остида ўтказиб келинаётган "Озод юртининг обод гўшаси" лойиҳаси менга ҳар жиҳатдан маъқул. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Бу эса ёшларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, тарихий шаҳарларимиз, кўҳна обидалар, музейлар бўйлаб саёҳатлар уюштириш, соҳа мутахассислари, тарихчилар ва ёшлар иштирокида тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказишни тақозо этади. Модомки шундай экан, ЎзМТДП ҳамда партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар бу борада янги ташаббус ва лойиҳаларни илгари суриши ва ҳаётга табиқ этишига ишонамиз.

Бу эса, ўз навбатида, навқирон авлод қалби ва онгида ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизнинг қандай буюк мерос ворислари экани, томирларида қандай улуг зотларнинг қони оқаётганини янада чуқур ҳис этишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Шерзод МАДРИМОВ,**  
Нукус давлат педагогика институтини қўшидаги академик лицейнинг тарих фани ўқитувчиси, ЎзМТДП фаоли

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!

Сайлов якунлари

# Тенглик, очиқлик, ошкоралик

Президент сайловининг бош мезонига айланди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беқиёс бўлди. Президент сайловини қарийб 600 маҳаллий, 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шунингдек, 180 хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика ва ҳудудий матбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва хорижий журналистлар иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 70 дан ортиқ матбуот анжумани, брифинг, онлайн семинарлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 12

минг 750 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари, кўрсатув ҳамда радиозаширатишлар эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўтаринки руҳда, очиқ, ошкора ва демократик принципларга мос равишда ўтди.

Сиёсий тадбир давомида ҳар бир номзодга тенг имконият берилгани, сайловолди дастури кенг тарғиб қилишда бирдек шароит яратилгани сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишидан дарак берди. Бу йилги сайлов фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фаоллиги тубдан юксалганини кўрсатди. Буни номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувлари ҳам яна бир бор кўрсатиб берди.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Партия ташкилотларида

# Театр — ҳаёт мактаби

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Театр — маънавият тарғиботчиси" мавзусида тадбир ўтказди. Унда театр соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган фахрийлар билан наққирон авлод вақилларининг учрашуви ташкил этилди. Тадбирда бугун мамлакатимизда театр санъатини маънавиятни юксалтириш воситаси ва ҳаёт кўзгуси сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди, унинг маънавий-маданий ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Театр санъати ҳақида гап кетганда, беҳитёр улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Театр — бу ибратхона" деган сўзлари ёдга келади, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Умида Жўраева. — Халқ маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи бу санъат ривожига муносиб ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида алоҳида белгиланган. Мазкур мақсад-вазифалар ижроси юксак маънавиятли, дунёқараши кенг, миллий истиқлол гоёси ва қад-

риятларимизга содиқ ёшларни вояга етказишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП сайловолди Платформасида халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, бугунги замон қаҳрамонлари акс эттирилган, Ўзбекистон заминиде яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадий жихатдан мукамал асарларни яратиш ва уларни дунё жамоатчилиги

диққат-эътиборига етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунда, айниқса, ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлоднинг миллий гоё, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол замондошларимизнинг бадий образлари таъсирчанлигини кучайтириш лозим. Халқимизга ёт ва ёш авлод оғни учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш гоёси, миллий маданият ва қадриятларини маънавий руҳида тарбиялаш, улар учун театрларда очиқ эшиклар кўларини ташкил этиш ҳам партиянинг асосий вазифаларидан. Бу каби тадбирларни чекка ҳудудларда, партиянинг қуйи ташкилотларида ўтказиш мазкур эзгу мақсад рўйбига хизмат қилиши шубҳасиз.

Файрат САТТОРОВ, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби

2015 — Кексаларни эъзозлаш йили



# Маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи

ЎзМТДП бундан кексаларга хурмат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби анъаналарда кўрмоқда

Халқимизда яхши анъана бор — бирор эзгу иш бошладан ёки узоқ йўлга чиқайдан олдин, албатта, ёши улуғ инсонлар дуоси олинади. Зеро, бу билан кўнглимиз янада равшанлашади, йўлимиз ойдин бўлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йилни Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилгани халқимизга хос маънавий қадриятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далolat. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, муносиб турмуш шароити яратиш беришни янада изчил давом эттиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатиш тақомиллаштирилмоқда. Давлат дастури ижросини таъминлаш "Нуруний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, касаба уюшмалари

кенгаши ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, шунингдек, барча даражадаги депутатлар диққат марказида турибди.

— Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш Давлат дастурида кўзда тутилган долзарб масалалар, — дейди "Нуруний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими маслаҳатчиси Исматилла Умаров. — Дастур ижроси орқали ёши улуғларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Улар учун туман ва маҳалларда мулоқот марказлари, турли клублар, бўш вақт-

ларини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётган.

Давлат дастурида белгиланган энг муҳим йўналишлардан яна бири — тизимли асосда кексаларни соғломлаштиришни ташкил этиш. Бу борада профилактика тадбирларини кўпайтириш, фахрийларни кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касаллиқларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан имтиёзли асосда таъминлаш муҳим вазифалардан.

Бу жараёнда 100 ёшдан ошагонларнинг ҳар ойлик пенсияларига энг кам иш ҳақининг юз фоизи миқдорда кўшимча тўлаш, 75 ёшдан ошагон пенсионерларнинг нафақаларидан аниқланган ортиқча тўловларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳам алоҳида қарор қабул қилиш кўзда тутилган. Айниқса, 1941-1945 йилларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларига пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалда тўланиб келинган коммунал тўловлар учун ҳар ойлик компенсация тўловлари миқдорини 45 ва 18 фоиз устамаларини мос равишда 50 ва 25 фоизга ошириш белгилаб берилди. Бу йил уларнинг ҳар бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва мобиль телефонлар билан бепул таъминланади, уларга маҳаллий ва шаҳарлараро чиқиш кўнғироқлари учун ҳар ой абонент тўлови олинмасдан 60 дақиқалик бепул лимит берилди. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари мамлакатимиздаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориш учун йилга бир марта темир йўл транспортда бепул юриш ҳуқуқидан, шунингдек, ҳаво транспортда 50 фоиз миқдоридеги чегирмадан (бориш-келиш) фойдаланиши мумкин.

Буларнинг замирида эса кексалар, уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатишни тақомиллаштиришдек эзгу ниятлар муҳимдир.

Бувайдалик Садинисо момо Йигиталиева ҳам ана шундай имтиёзлар асосида Чимён санаторийсида дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга бўлди.

— Мамлакатимизда биз кексаларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўксимиз тоғдек кўтарилапти, — дейди 84 ёшли момо. — Бир пайтлар бундай шароитларни фақат орзу қилардик. Истиқлол шарофати билан ана шу орзуларимиз рўйбига чиқди. Бундан ортиқ бахт борми?!

Дарҳақиқат, озод ва обод, тинч-осойишта юртимизда қариллик гаштини сураётган бобо-бувиларимизнинг муносиб ҳаёт кегириши учун яратилаётган қулайликлар, шарт-шароитлар кўламини йилдан-йилга кенгайиб бораётган. Натижада уларнинг умр кўриш даражаси ҳам ошмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача ёши 1990 йилда 67 ёшни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб 73,5 ёшга, аёлларники эса 75,8 ёшга етди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолининг 7,2 фоизи пенсионерлар ва кексалардан иборат бўлса, энди бу кўрсаткич 9,3 фоизга етди.

— Дунёнинг кўплаб давлатлари молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларидан жиддий азият кўраётган бир пайтда юртимизда иқтисодий барқарорлик таъминланиб, ҳар йили давлат бюджети ҳаражатларининг қарийб олтимиш фоизи ижтимоий соҳага ажратилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси, Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси Иноят Ҳожиёв. — Бундан, албатта, хонандларимиз кўрки бўлган пиру бадавлат кексаларимиз ҳар томонлама баҳраманд бўляпти. Давлатимиз раҳбарининг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада яна бир мустаҳкам пойдевор бўлди. Шу асосда уларнинг ҳар йили санаторий-соғломлаштириш муассасаларида даволаниш имкони кенгайтирилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури бу йўналишдаги ишлар кўламини ва сифатини янада оширишда дастуриламал бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, биз депутатлардан ҳам катта масъулият талаб этади. Соҳага доир ҳуқуқий асослар ва ижро механизмларини янада тақомиллаштириш, тегишли Давлат дастури ва қонунчилик ҳужжатлари устидан парламент назоратини кучайтириш, ҳар бир ҳудуд бўйича назорат-таҳлил тадбирлари самарадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Давлат дастури ижросига қаратилган ана шу каби тадбирлар Қонунчилик палатасининг беш йиллик иш режасида ҳам ўз ифодасини толган. Уларни амалга ошириш, ўз навбатида, электротизимиз манфаатлари ҳимоя қилинишига, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган аҳоли турмуш сифати ҳамда фаровонлигини ошириш, ёш авлод тарбиясида уларга маънавий ибрат бўлувчи фаол замондошларимиз, айниқса, нурунийларимиз кўмагидан унумли фойдаланиш каби мақсад-вазифаларимиз ижросини таъминлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кексаларга хурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик каби анъаналарни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи, деб ҳисоблайди. Бу каби миллий қадриятларни, халқимиз маънавияти ривожига ҳам жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган меҳр-оқибат, ўзаро хурмат-эҳтиром, бағрикенглик ва саховатпешалик сингари миллий хусусиятларимиз тарғиботига алоҳида эътибор қаратишни мақсад қилган.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

ЎзМТДП хотин-қизлари

# Гоё ва мақсадларимиз

уни амалга оширишда хотин-қизлар фаоллиги муҳим ўрин тутлади

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик бугун юксак самара бермоқда. Ҳар томонлама муносиб шароит яратилаётгани, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш йўлидаги имкониятлар уларга янги куч-қувват ва илҳом бағишламоқда.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида партия аъзоларининг қарийб 50 фоизга яқини хотин-қизлардир. Қорақалпоғистонда партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорни Кенгесига 4, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига 25 нафар депутат хотин-қизлар орасидан сайлангани бу борадаги ишларнинг самарасидир. Партия сафи жамиятимизда ўз ўрни ва фуқаролик позициясига эга, етакчи хотин-қизлар ҳисобига муттасил кенгаймоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси хотин-қизларнинг жамиятни модернизациялаш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида фаол иштирокини таъминлашни асосий вазифалари сирасига киритган. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги иш-

тирокини таъминлаш ЎзМТДП хотин-қизлар йўналишидаги сиёсатининг асоси ҳисобланади. Партияимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" гоёсини амалга ошириш, миллий тикланиш ва миллий истиқлол гоёсини тарғиб-ташвиқ қилиш борасида муайян сазй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Чунончи, партиянинг "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлов хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, истеъдоди ва етакчилик қобилиятини юзга чиқаришда муҳим оимил бўлмоқда. Кўрик-танлов гоилилари ва иштирокчилари бугунги кунда жамиятининг барча соҳасида фаоллик кўрсатмоқда. Улар орасидан Давлат мукофоти совриндорлари, депутатлар, хотин-қизлар кўмитаси раислари етишиб чиқмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида партия Қорақалпоғистон Республикаси "Аёллар қаноти" томонидан "Мустаҳкам оила

✓ Қорақалпоғистонда ЎзМТДП аъзоларининг қарийб 50 фоизга яқини хотин-қизлардир

✓ 200 дан ортиқ семинар, учрашув ва давра суҳбатларида 11 минг 400 га яқин хотин-қиз иштирок этди

✓ Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларига қаратилган 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди

— порлоқ келажакимиз кафолати" мақолалар танлови, "Фаол хотин-қизлар — жамиятимиз асоси", "Мустақиллик — буюк неъмат" хотин-қизлар форумлари, "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари", "Оналик ва болалик — давлат ҳимоясида", "Баркамол авлод тарбиясида хотин-қизлар маънавиятининг ўрни", "Хотин-қизларнинг

ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда давлат ва жамият қурилишидаги роли", "Сайловлар — жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили" каби мавзуларда 200 дан ортиқ семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, унда 11 минг 400 га яқин хотин-қиз иштирок этди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг етакчилик қобилияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг ўринбосари Ойзода Нурумбетова. — Бунда жамиятимизнинг барча соҳасида самарали меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар эришаётган ютуқ ва марралар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидеги ролини кучайтириш, улар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Партия ташкилотимиз сафида хотин-қизларнинг улуши ортиб бораётгани улар оила ва жамият ишида фаоллик кўрсатаётганидан далolatдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ошиб бораётгани ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзоларини ҳам фаолликка ундамоқда. Бу

жараёнда хотин-қизлар партияимизнинг "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" гоёсини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишларда ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Илья ДИЛЬМАНОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Маънавий иммунитет

# Глобаллашув жараёни ва мафкуравий таҳдидлар

ёшларимиз улардан қай даражада хабардор?



**Юртимизда амалга оширилаётган илмий ислоҳот ва ўзгаришлар замирида жисмонан ва маъна соғлом, ақлан етук авлоднинг тарбиялашдек улғу мақсад мужассам. Бугун ёшларга муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг таълим олиши, замонавий билимларни эгаллаши, миллий қадрият ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш, мустақил фикр ва мустақам ирода эгаси этиб камол топтириш борасидаги ишларнинг қандай йўлга қўйилаётгани эртанги кунимиз, порлоқ истиқболимиз пойдевори саналади. Зеро, бу бежиз эмас. Чунки ёшлар — халқ маънавиятининг муносиб ворислари.**

Ёшлар ва уларнинг маънавиятини асраш ҳақида гап кетганда, беихтиёр кўз ўнгимизда ёш авлод вакиллари онгини захарлашга, асрий анъаналаримиз илдизига болта уришга интилаётган "оммавий маданият" ниқоби остидаги ахлоқий ва ғоявий тубанлик, зўравонлик сингари иллатлар намён бўлади. Халқимиз маънавиятига ёт бу иллатлар ёшларимизда неча минг йиллик анъана ва қадриятларимиз, бой тарих ва маданий меросимизга нисбатан белгисиз ҳамда лоқайд муносабатни шакллантириши мумкин. Аҳоли, хусусан, ёшларни менталитетимизга ёт маънавий таъсир ва таҳдидлардан ҳимоя қилишда уларни миллий истиқлол ғояси ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онгу шуурига шонли тарихимиздан фохрлашиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғулари сингдириш мумкин аҳамиятга эга.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди

Платформасида **"Юксак маънавият — энгилмас куч"** ғоясини ҳаётга татбиқ этиш орқали миллий анъана ва қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, ёшларни халқимиз маънавиятига ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу эзгу мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириши тақозо қилади.

**Сабина ҚОСИМОВА, ЎзМТДП фаоли:**

— Мамлакатимизда билим оламан, касб-хунар эгаллаيمان, деган ёшлар учун барча имконият эшиклари очик. Фақат биз улардан тўғри ва оқилона фойдаланишимиз лозим. Бугунги давра суҳбатиде кенг муҳокама қилинган мавзу ёшларимиз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Таъкидланганидек, ёшларнинг ёт иллатлар таъсирига тушиб қолишида фақат уларнинг ўзи айбдор эмас. Бу масала жамиятнинг каттаю кичик аъзосига бирдек масъулият юклайди. Зеро, шонли тарих, юксак маънавият ва маданият бешиги бўлган юрт фарзандлари аждодларига ҳар томонлама муносиб бўлиб вояга етмоғи лозим.

**Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз**

— **Сиёсий партиянинг жамиятдаги обрў-эътибори ва нуфузи унинг аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Даврон Сафаров. — Шу боис бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса сиёсий кучнинг барча бўлини, жумладан, бевосита аҳолига, уларнинг ўй-ташвишлари, хоҳиш-истакларига яқин бўлган бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ҳам масъулият юклайди.**

Тошкент шаҳрида қуйи бўғинлар фаолиятида юз бераётган ижобий ўзгаришлар туман, шаҳар кенгашлари ишига ҳам таъсир этаётгани эътирофга молик. Ҳозир биргина ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши қошида 1,5 минг аъзони бирлаштирган 40 бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритмоқда. Булар орасида "Чинобод" сихатгоҳида тузилган, 45 дан зиёд аъзога эга бўлган қуйи бўғин алоҳида ўрин тутайди.

## Фаолият самараси — изланишда

унинг салмоғини ошириш — масъулиятли иш

олди Платформасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қўллаб-қувватлаш юзасидан қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу эзгу мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириши тақозо қилади.

— Партия ишини ҳар жиҳатдан тақомиллаштиришга оид кўргазмалли воситалар, қўлланмаларнинг мавжудлиги, етакчиларнинг ўз ишига бўлган масъулияти эришаётган натижаларимизга асос бўлаётти, — дейди ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши раиси Абдужаббор Очилов. — Шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган барча тадбир, хусусан, партия лойиҳаларига ҳам мазкур қуйи бўғин аъзолари кенг жалб этилмоқда. Бундан мақсад — уларни партия ғоя ва вазифаларидан кенгроқ хабардор қилиш ҳамда қуйи бўғинларни ана шу жараёнинг фаол иштирокчиларига айлантиришдир. Бундан ташқари, партия ғоя ва мафкурасини жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилаётган, ташаббускор ва етакчи бошлан-

ғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштириш, улар таърибасини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Чинобод" сихатгоҳи қошида тузилган БПТ фаолиятини оммалаштириш юзасидан ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Сихатгоҳ қошида тузилган қуйи бўғин мамлакатимизда тиббиёт йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу эса

✓ **БПТ — партия электоратига энг яқин бўғин**

✓ **Бир туманда 40 бошланғич партия ташкилоти**

✓ **"Чинобод" сихатгоҳида тузилган қуйи бўғин таърибаси оммалаштирилади**

аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, профилактика тадбирлари савиясини оширишда муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, "Соғлом оила — жамият таянчи", "Тиббий маданият — саломатлик омили", "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш — мустақам оила пойдеворини яратиш" каби қатор мавзуларда давра суҳбатлари, тарғибот тадбирларини ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Отаналар ва ёшлар иштирок этаётган бундай тадбирларда эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги

римиз ва ёшлар онгига салбий таъсири", "Жамиятимизга ёт бўлган иллатларнинг ёшлар онгига таъсири ва уларни олдини олишнинг долзарб вазифалари", "Глобаллашув ва ёшлар", "Юрт эртасига менинг ҳиссам" каби мавзуларда туркум тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб келинаётгани бу борадаги вазифаларимиз рўйбега хизмат қилиши шубҳасиз.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, дарҳақиқат, бугунги давр дунё ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеалик оғоҳ ва ҳушёр қарашни, тобора кучайиб бораётган мафкуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқ чиқариб яшашни талаб этади. Чегара билмайдиган "халқаро ўргимчак тўри" — интернет турли соҳалардаги сон-саноксиз фойдали манба ва маълумотлар билан биргаликда юксак маънавий қадриятлар бардавонлигига путур етказадиган иллатларни ҳам тарғиб қилаётгани сир эмас. "Оммавий маданият" таҳдидларининг 90 фоиздан зиёди ҳаётимизга интернет орқали кириб келмоқда. Ахборот маконида ижтимоий тармоқларнинг вужудга келиши, бу жараёнга муккасидан кетган, унга хайрихоҳ фойдаланувчилар сонининг ортиб бориши масаланинг нақадар долзарб эканлигини аниқлатади. Айни кунда мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми интернетдан фойдаланмоқда. Шу боис, миллий маданиятимиз намуналарини сақлаб қолиш, интернет орқали кириб келувчи таҳдидларнинг олдини олиш, глобал тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

"Оммавий маданият" таҳдидларининг ечими сифатида ЎзМТДП ёшларда миллий гуруҳ ҳамда ифтихор туйғулари шакллантириш ва мустақам қарор топтиришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб, халқимизнинг ибратли фазилатлари ва меросини авлоддан авлодга ўтказиш, ёшларга "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди?" деган ҳаётий саволларнинг жавобини аниқ мисоллар асосида очиб беришни фаолиятининг бош мезонига айлантирди.

Қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз ривожига салбий таъсир кўрсатувчи "оммавий маданият" таҳдидларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, тарғибот ишларини маҳаллий кенгаш депутатлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллари билан биргаликда олиб боришга келишиб олинди.

**Муслима РЎЗИЕВА, ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Юксак маънавият — ёшлар камолотига таянч

Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Чимбой туман кенгаши "Ёшларни миллий урф-одат ва қадриятлар руҳида тарбиялаш: глобаллашув шароитида мафкуравий таҳдидлар" мавзусида тадбир ўтказди. Тадбирда жаҳон ахборот майдони тез суръатлар билан кенгайиб, глобаллашув жараёнида турли мафкуравий хуружлар кучайиб бораётганлиги ҳар биримиздан оғоҳ ва сергак бўлиш, ёшларни миллий урф-одат ва қадриятлар руҳида тарбиялаш ишларини янада самарали ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, интернет тармоғи энг оммабоп ва тезкор ахборот тарқатиш воситасига айланди. Глобаллашув турли маданиятларнинг яқинлашиши ва таъсирланишига имкон бермоқда. Бу бир томондан турли миллат ва элатларнинг бошқа халқлар маданияти, урф-одати, қадриятлари билан танишиши, тафаккур тарзи ва дунёқарашни кенгайтириш учун хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан "оммавий маданият" ниқобидаги турли ғояларга ҳам йўл бермоқда.

Тадбирда ёш авлодни "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш учун уларнинг онги ва дунёқарашиде миллий, умуминсоний қадриятларга, тарихий-маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бухоро

ЎзМТДП Пешку туман кенгаши "Аёллар қаноти" фаолиятини янада тақомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатиде "Аёллар қаноти" томонидан хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш борасида амалга оширилаётган турли лойиҳалар аёлларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаолигини янада оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Тадбирда партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, партия электорати бўлган хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига қўламақлашиш, шу орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, янги, таъсирчан лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Сурхондарё

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда Қизирек туман кенгаши ҳамкорлигида "Аёл, оила, жамият ва сиёсат" лойиҳаси доирасида коллеж ўқувчилари иштирокида "Энг фаол ўқувчи қиз" қуриқтанлови ўтказилди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ЎзМТДП ҳам дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ва бойитиш жараёнида аёлларнинг тўлақонли иштирокини таъминлашга фаол қўламақлашмоқда, — деди партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Х.Хуррамова. — ЎзМТДП ўтказиётган бу каби қуриқ-танловлар ёш қизларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда иштирокчилар модалар намойиши, гимнастрада, оналарни маҳз этиш, қандолатчилик, маънавиятга оид тезкор савол-жавоб сингари беш шарт бўйича ўз имкониятларини синодан ўтказишди. Коллежнинг фаол талабалари ижро этган ашула ва рақсалар, миллий қадриятларимиз ақс эттирилган саҳна кўринишлари тадбирга ўзгача кайфият ва кўтаринкилик бағишлади.

Яқунда кўрик-танловнинг иштирокчилари партия Қизирек туман кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбах омагалари билан тақдирланди.

Фарғона

ЎзМТДП Олтиариқ туман кенгаши "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳасидаги устувор вазифаси" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда мустақиллик йилларида миллий иқтисодий таъминнинг ривожланиш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланиб, партия сайловолди Платформасининг иқтисодий соҳадe вазифалари ижроси, партия гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, партия ташкилотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиши, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши бу борада муҳим аҳамиятга эга. Зеро, партия гуруҳларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига масалалар олиб чиқиши мазкур соҳа равнақига катта ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Давра суҳбатиде билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Самарқанд

Бугунги кунда интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб борилаётган маънавий тарбия билан жавоб бериш талаб этилади. ЎзМТДП Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида "Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти" мавзусида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда партиянинг ёшларни халқимизга ёт ва зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилишга қўламақлашиш сингари дастурий мақсад-вазифалари асосида ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юрта садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш тобора долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Қизгин баҳс-мунозараларда халқаро интернет тармоғини миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида ақс эттирувчи миллий ахборотлар билан бойитиш, ёшларда ахборот ресурсларидан, хусусан, интернетдан фойдаланиш маданиятини, улар онгиде оқини қорандан, яхшини ёмондан ажратиш туйғусини — ўзини ҳос "ахборот иммунитетини" шакллантириш ҳақида фикрлашилди.

Жиззах

ЎзМТДП Фаллаорол туман кенгаши "Ўзбек халқ оғзаки ижодининг маънавиятида тугган ўрни" мавзусида тадбир ўтказди.

Халқ оғзаки ижоди — халқ бадийи фаолиятининг таркибий қисми. Унда халқимизнинг ақл-зақоси, маданияти, қадрият ва анъаналари ўз ифодасини топган. Халқимиз асрлар давомида яратиб, тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб бизгача етиб келган ўлан ва лапарлар, мақол ва маталлар, "Алломим", "Равшан", "Кунтуғимш" каби дostonларимиз, фольклор куй-қўшиқларимиз ана шулар жумласидандир.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда миллий маданиятимизни ривожлантиришга, аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўллаб-қувватлаш китоб ҳолида нашр этилиб, уларни кенг қўламада ўрганишга киришилди. Зеро, ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг аҳамияти беқиёс.

**Ш.ФАҒФОРОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

**Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**





Миллий бренд

# “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”

ёрлиги остидаги маҳсулот тури кўпаймоқда

Яқинда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида “Ўз Тонг Хонг Ко” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси филиали иш бошлади. Мазкур корхонада 19 турдаги спорт оёқ кийимлари ва қурилиш мижраларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Балиқчидаги мазкур маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона йилга 12 миң жуфтдан зиёд спорт оёқ кийими, 120 тоннадан ортмих ишлаб чиқариш қувватига эга.



ривожлантиришнинг энг муҳим бўлини деб ҳисоблайди.

— Сайловолди учрашувларда депутатликка номзодларга берилган саволларнинг аксарияти қишлоқларимизда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил

киз нафар битирувчиси корхонанинг дастлабки ишчиси эканидан хурсандимиз, — дейди Балиқчи индустриал педагогика коллежи директори Муҳаббатхон Алибоева. — Қишлоқларимизда жойлашган бу янги корхонада бир қанча турда-

✓ **“Ўз Тонг Хонг Ко” қўшма корхонасининг Балиқчи филиали ишга тушиши билан 20 дан ортмих иш ўрни яратилди**

✓ **Корхонада спорт оёқ кийимлари ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди**

✓ **Маҳаллий корхоналар фаолиятини ривожлантириш ЎзМТДП сайловолди дастурида устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган**

этишга қаратилгани сир эмас, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Авазбек Жалилов. — Бу ерда Андижон шаҳридаги “Ўз Тонг Хонг Ко” маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси филиалини ташкил этишни режалаштирганамизда туман ҳокими бизни қўллаб-қувватлашини билдирди. Натижада 20 та янги иш ўрни яратилиб, унга асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

Янги иш ўринлари — аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим кафолати. Бу вазифа Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий соҳадаги устувор мақсадларидан биридир. Андижон вилояти Балиқчи туманида ташкил этилган мазкур корхона партиянинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий йўналишдаги мақсад-вазифалари рўйбига хизмат қилади.

— Коллежизимнинг сак-

ги спорт пойабзали ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар сифатли ва бежирим. Энг муҳими, корхона маҳсулотлари “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси билан коллежизимни битирган ёшлар қўлидан чиқаётгани барчамизга ғурур бағишлайди.

Дарҳақиқат, мазкур ёрлик остида маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг харидорлари сонининг муттасил ошиб бораётгани ҳар бир юртдошимизни ғурурлантириши шубҳасиз. Чунки ушбу белги мамлакатимиз санаяти ривожлантиришда ҳам алоҳида эътиборни ташкил этишнинг муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформаси ана шундай мақсадлар рўйбига хизмат қилади.

**Хасан САЛОМОВ**  
**Замира РЎЗИЕВА,**  
**“Milliy tiklanish”**  
**мухбирлари**

# Онгдаги эзгулик куртаги

ларининг очилиш маросимлари қишлоқларда чинакам байрамга айланмоқда. Хусусан, чигатоққалыликлар марказ биносини “Заунгур” корхонасининг қўлигул усталаридан тантанали равишда қабул қилиб олишди.

Тадбирга ташриф буюрган мутассадди ташкилот, идора ва корхона вакиллари бу каби маданият марказлари миллий қадриятларимиз, маданий ва номоддий меросимизни асраб-авайлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, пировард натижада халқимизнинг улғу мақсади — баркамол авлоднинг вояга етказишга хизмат қилишини таъкидлашди.

— Давлатимизнинг қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб етишиши учун зарур шaroитлар яратиш борасидаги гaмхўрлигидан аҳоли мамнун, — дейди Чигатоққалы қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Шовот туман кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Одибек Бокиев. — Ушбу замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази фуқароларнинг

маданий ҳордиқ чиқариши, айниқса, ёшлар, қишлоғимиз йиғит-қизларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қиладиган муҳим маскан бўлди.

Дарҳақиқат, қишлоқ кўркига кўрк қўшган мазкур марказда ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун барча шaroит муҳайё. Улар миллий чолғучилик, рақс, тикувчилик, шахмат, инглиз тили, тасвирий санъат тўғрисида, фото-видео студиясида, ашула ва рақс ансамблида қатнашиб, бўш вақтларини сермазмун ўтказишади. Марказ мусика асбоблари, компьютер жамланмаси, фото-видео аппарати ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминланган, 150 томошабинга мўлжалланган томошалар зали — ёшлар ихтиёрида.

Бу ерда машғул болаларнинг балки барчаси ҳам шу соҳанинг профессионал устаси бўлиб етишмас, бироқ уларнинг онда эзгуликлар куртак ёзади. Ёшлиги сермазмун ўтади. Аслида ҳам бу йўналишдаги ислохотлардан мақсад-муддао шу эмасми?!

**Алишер РАҲМОН,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Маданият масканларида

**Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар халқимиз маънавиятини юксалтиришга, ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб камолга етишдек эзгу ва улғу мақсадга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.**

Хоразм вилоятида ҳам ушбу қарор ижроси борасида тизимли лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада 2018 йилгача вилоятда 65 та замонавий маданият маскани фойдаланишга топширилади. Ўтган йили Боғот туманидаги Кулонқорабоғ, Хива туманидаги Саёт, Шовот туманидаги Ижтимоият қишлоқларида, Янгида эса Шовот туманининг Чигатоққалы қишлоғида замона талаблари даражасида жиҳозланган Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ишга туширилди.

Мазкур маданият муассасаси-

Банк хизмати

# Микрокредитбанк сармоялари —

тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўшма ширкати қўшма қарорига мувофиқ 7 апрель кунини Сирдарё вилоятининг Бобётов туманида “Микрокредитбанк сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!” шиори остида семинар ўтказилди. Бундай семинар бузун Сирдарё туманида бўлиб ўтади.**

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтиришдан иборат. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада янада катта имтиёз ва қулайликлар яратмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган энг йирик микроолиявий ташкилот-

лардан бири — “Микрокредитбанк” фаолиятининг илк кунлариданоқ юртимизнинг олис туман ва қишлоқлардаги ёшларни, айниқса, хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида банкнинг мазкур йўналишдаги микросармоялари ҳамма қарийб 30 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан, касб-хунар коллежларини битирган 190 нафар ёшга 1 миллиард сўмдан зиёд микросармоялар ажратилган бўлса, 308 нафар тадбиркор аёлни қўллаб-қувватлашга 13 миллиард сўм йўналтирилди. Агар ушбу рақамларни биргина банкнинг Сирдарё вилоят филиали фаолияти мисолида таҳлил қилсак, ажратилган жами микросармоялар ҳажми 1,6 миллиард сўмни, яратилган иш ўринлари эса 402 тани ташкил этади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтган мазкур семинарда халқимиз турмуш шaroитини янада яхшилаш, жойлардаги мавжуд камчиликларни ҳам-жиҳатликда ҳал этиш йўллари, бу борада яратилган шарт-шaroит, имтиёзлар, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида бевосита мулоқот орқали батафсил маълумотлар берилди.

Бундай семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда ўтказилади.

**Эркин ДОРИПОВ,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Анжуман

**Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалар маркази ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида улғу алломаларимиз илмий-адабий меросида лексикология ва лексикографияга оид маълумотлар, анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактабларининг ўрни мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

# Лексикологиянинг муҳим масалалари

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.Маннонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида буюқ аждодларимиз меросини асраб-авайлаш, ёш авлоднинг миллий ва умумбаъшарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.Маннонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида буюқ аждодларимиз меросини асраб-авайлаш, ёш авлоднинг миллий ва умумбаъшарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ўзбек тили билан биргаликда шарқ филологиясини ҳам чуқур ўрганиш, доимий эътиборда. Бунда олий таълим муассасалари, таржима марказлари, қўлёзмаларни ўрганиш институтларининг ўрни

бекиёс. Шу боис ёш олимларни рағбатлантириш, истеъдодини намоён этишига имкон яратиш, соҳа мутахассислари билан тажриба алмашиши йўлга қўйиш, луғатларни тузишда тилшунос, адабиётшунос ва луғатшунос олимлар сўйиҳаракатларини бирлаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда луғатчилик тилшуносликнинг қадимги тури сифатида ўрганилиши, луғатларда фонетика ва фонология, бу борада эришилаётган ютуқлар ва долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Тилларнинг ранг-баранг-

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,**  
**“Milliy tiklanish”**  
**мухбири**

**Б.МЕЛИКУЛОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

Фаолият

# Чўл бағридаги Саройқўрғон

**Ўрмонлар ҳаёт манбаи бўлган тоза ҳавони таъминловчи ноёб табиий бойликлардир. Мамлакатимизда уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Миришкор ота-боболаримиз қадим-қадимдан мевали ва манзарали дарахтлар экиб, юртни яшилликка буркашга интилган. Бунинг амалдаги ифодаси мустақиллик йилларида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Хусусан, ўрмонларнинг табиийлигини сақлаган ҳолда химоя қилиш, сувларнинг тоза ва мусофалигини таъминлаш, атмосфера ва иклимини мўътадиллаштириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўрмонлар сел келиши, сув тошқинлари ва қум кўчишининг олдини олишда бекиёс аҳамиятга эга. Айниқса, сув танқис бўлган ярим чўл ҳудудларида яшил плантациялар нечоғлик муҳим эканлигини ҳис этиш қийин эмас.

Нуробод туманидаги Саройқўрғон ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 9241 гектарни ташкил этади. Ана шу ҳудуднинг 3323 гектари маданий, 217

гектари табиий ўрмон ҳисобланади. Сақкиз гектар тўқайзор ҳам мавжуд. Унда арча, қарағай каби манзарали ҳамда данакли мевали дарахт кўчатлари парваришланмоқда. Япон сафораси, каштан дарахтини кўпайтириш йўлида самарали ишлар олиб бориляпти.

— Ўрмон хўжалиги нафақат бой табиий ресурс манбаи, гўзаллик тимсоли, балки хўжаликнинг моддий асоси, қурилиш ашёси сифатида ҳам қадрлидир, — дейди хўжалик раҳбари Неъмат Ҳамроев. — Ўрмончиларимиз олдида турган асосий вазифалар тез ўсувчи, шунингдек, мевали дарахтларни кўпайтириш, яшил ҳудудни кенгайтириш, унинг дарахт таркиби ва сифатини яхшилаш, хусусиятлари дарахт ва буталар уруғларини териш, мавжуд табиий ҳамда маданий ўрмонларни келажак авлодларга етказишдан иборат. Жамоамиз томонидан ўрмонларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, қўллаб маданий ўрмонлар барпо этиш, кўчкларга қарши чоралар кўриш, тоғ ёнбағрида емирилишнинг олдини олиш мақсадида турли дарахт навлари кўпайтирилмоқда.

Бундан ташқари, дарахтзорларни парваришлаш, сугориш тармоқларини таъмирлаш, ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик йўллар қуриш тадбирлари амалга оширилмоқда. Уруғчилик ишлари сифатини яхшилаш ва уларни кўчатхона-

ларда етиштириш агротехникасини юқори савияда олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Жами ўрмончилар 16 нафарни ташкил этади. Ўз касбининг фидойиси бўлган Қувондиқ Камаров, Нурулла Ҳамроев, Эргаш Тожиёв, Шукрулло Ризаев, Асад Ёриёв каби жамоа аъзолари юртимизни борроғларга, ўрмонга буркаш учун астойдил интилмоқда. Жумладан, ўрмонларни асраш, кўриқлаш ҳамда кенгайтириш, ноёб ўсимлик ва хайвон турларини муҳофазалаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳаётга табиқ этилаётган инновацион лойиҳалар самарасида ҳар йили салмоқли натижаларга эришилаётди. Улар етиштирилган 200 миңдан зиёд ёш ниҳоллар янги-янги дарахтзорларга асос солинишини аңлатади.

Ўрмончилар pista, бодом сингари ноёблашиб бораётган дарахт кўчатларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда 319 гектар бодомзор, 2535 гектар pistaзор меҳр билан парваришланяпти. Тоғ ва чўл ҳудудига ажратилган ўрмон хўжалигида чорвачилик ва балиқчиликни ҳам ривожлантириш режалаштирилган.

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,**  
**“Milliy tiklanish”**  
**мухбири**



## Табиатнинг ноёб ўсимлиги

Равоч республикамизнинг тоғли ҳудудларида кенг тарқалган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Осиёда 50 га яқин тури мавжуд.



Ўзбекистонда унинг 3 тури ёввойи ҳолда ўсади. Илдизи йўғон, сертармоқ. Пояси тик, икки метргача боради. Барги йирик, банди узун. Равоч серсув, нордон, лисмон ва олма лислотасига бой. Ундан соус, компот, мураббо, конфет, квас тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Айрим турларининг илдизидан ошловчи модда сифатида фойдаланилади. Илдизи ва илдизпоиси таркибда 3-6 фоиз антрагликозид, 6-12 фоиз ошловчи моддалар бор. Панжасимон равоч доривор ўсимлик саналади. Илдизидан тайёрланган кукун ва дамлама сурункали кабзиятда сурги ўрнида қўлланилади. Илдизининг таркибда 21,85 фоиз таннид, алколоид ва гликозид каби витаминлар бор. Саноатда равочдан тери ва турли-туман матоларни кўнғир, қизил ва қора рангларга бўяш учун фойдаланилади.

Эслатиб ўтамиз, равочни оч қоринга истеъмол қилиш, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси билан огриган беморларга тавсия этилмайди.

### БИЛАСИЗМИ?

- Бола 2 ёшдан сўнг ойнага қараб ўзини таний бошлади.
- Бир йўловчи светофор чироқлари ўзгаришини кутиш учун умри давомида ўртча икки ҳафта вақт сарфлайди.
- Дунёдаги энг митти куш — колибри орқага қараб уча оладиган ягона куш ҳисобланади. Орқага қараб ҳаракатланаётган пайтида унинг юраги даққасига 500 мартагача уради. Колибри фақат ўчади, юра олмайди.

### ТУРФА ОЛАМ

## Ҳайдовчисиз автомобиль

АҚШда ҳайдовчисиз автомобиль шаҳарлар орасидаги қарийб 5,5 миң километрик масофани автоматлаштирилган режимда босиб ўтди. Мазкур тажриба ҳайдовчи автомобилни бошқармаган тақдирда унинг хавфсизлиги қай даражада таъминланиши борасида муайян ҳулоса чиқариш имконини берди.



Audi Q5 русумли автомобиль 9 кунлик "саёҳат"и мобайнида бир қанча қийин вазиятлар, хусусан, тирбанд йўллар, кўприк ва тунеллар, ноқулай об-ҳаво шароитидан ҳеч бир қийинчиликсиз ўта олди. Бунга автомобилга ўрнатилган камера, радар ҳамда тўқнашувдан огоҳ этувчи ускуналар ёрдам берди.

## Исм — инсон кўрки

АҚШлик олимлар чақалоққа қўйилган исм унинг кейинги ҳаёти, феъл-атвори ва тақдирига таъсир этишини аниқлашди.



Тадқиқотлар натижаларида маълум бўлишича, АҚШда Филлип исмли фуқаролар кўпроқ Филадельфияда, Виржиния исмли аёллар эса Виржиния штатида яшашни афзал кўришар экан. Ҳатто, одамлар супермаркетда маҳсулотни ҳам номи ўз исмига оҳангдош бўлганларини харид қилишар экан. Қолаверса, исм касб танлашда ҳам муайян таъсирга эга. Рухшўнослар фикрича, ўқитувчилар зодагонлар орасида урф бўлган ёки қадимий исмли болаларга кўпроқ эътибор қаратишар экан. Бундай исмли болалар улғайганида, бошқа исмли болаларга қараганда 26 фоиз кўп пул топиши аниқланди.

Олимлар болага исм танлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш кераклигини, одамлар орасида ҳазил ёки унинг камситилишига сабаб бўлувчи исм қўйиш бола руҳиятига жиддий таъсир кўрсатишини қайд этишди.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади

### Хабарлар

## Нодир асарлар

темурийлар тарихидан сўзлайди

Қарийб етти асрдирки, Соҳибқирон Амир Темурнинг шону шуҳрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш сусайгани йўқ, аксинча тобора ортиб бормоқда. Тарихчи олимлар, ёзувчиларнинг илмий изланишлари натижасида нодир қўлёзмалар аниқланмоқда, янги асарлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг китоб музейида ана шундай асарлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда XVIII-XI аср бошларида Амир Темур ва темурийлар тарихига оид юртимиз ҳамда хорижий мамлакатларда нашр қилинган турли тиллардаги китоблар ўрин олган.

Экспонатларда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятининг турли қирралари, хусусан, Амир Темур шахсининг жаҳон ва мамлакатимиз, халқимиз тарихида тутган ўрни, миллий давлатчилигимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, адолатли давлат ва бошқарув тўғрисидаги қарашлари, ҳарбий санъат усуллари ёритилган. Улар орасида Л.Лянглэнинг "Темур ҳаёти" асари, "Бобурнома"нинг рус, немис, инглиз тилларидаги нашрлари, "Темур тузуклари"нинг форсчадан инглиз тилидаги таржимаси, Гулбаданбегимнинг "Хумоюннома" асари, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихоннинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги 1403-1406 йиллар" китоби, Абдуразоқ Самарқандийнинг икки жилдли "Матлаи Саъдайн ва мажмаи Баҳрайн" асари ўрин олган.

Кўргазма 30 апрелгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

## "Ёшлар клуби"

истеъдодларни чорлайди

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол улғайиши, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намойён этиши учун барча шароит яратилмоқда. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, илм-фан, санъат, спорт ва адабиёт билан ошно тутинган, юксак натижаларга эришяётган истеъдод эгаларини учратасиз. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ютуқларидан гурур туясиз. Чунки улар мустақил юрт фарзандлари. Ўзбекистон ёшлари дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳаётда исботлаётган авлод.

Юртимизнинг истеъдодли ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ҳудудий бошқармалар қосида "Ёшлар клуби" фаолият бошлади. Клуб тизимдаги 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни бирлаштиради.

Навқирон авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдод ва маҳоратини намойён этишларига кўмаклашиш клубнинг асосий мақсадидир. Ёшларга ижод ва билим чўққиларини эгаллаши учун кўмак бериш, уларнинг маданият ва спорт соҳасидаги эришяётган ютуқларини қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг истиқболли ғоя ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида "Ёшлар клуби" қўллаб-қувватлаш амалга оширишни мақсад қилган. Ёшларда ватанпарварлик, юртга садоқат туйғусини кучайтириш, соғлом турмуш тарзи учун зарур шароитларни яратувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш шулар жумласидан. Бунда ёшлар акциялари, байрам, фестивал, оммавий танловлар, форум ва спорт мусобақалари ташкил этилади. Ёш авлод лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яқиндан кўмаклашилади.

Ҳа, истеъдодлар маскани бўлган юртимизда билим оламан, ўз иқтидоримни намойён қиламан, деган ёшлар учун барча имконият эшиги очик. "Ёшлар клуби" эса янги ва ҳаётий лойиҳаларни татбиқ этиб, бу борадаги эзгу ишларга янги куч-қувват бахш этади.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА

### Халқ дасталари



## "Боғдон гуллари"нинг хушнасим оҳанглари

Бошимдаги рўмолим  
Айлана экан гули,  
Ўзбекистоним дея  
чиқди боламни тили.  
Ҳо-ҳей, бўшама,  
Ҳо-ҳей, бўшама...

Кўшиқдаги самимият, соддалик ва жозоба кўнгилга ўзгача кўтаринчилик, хузур бағишлайди. Бундай халқона кўшиқлар Жиззах вилояти Фориш туманидаги "Боғдон гуллари" фольклор-этнографик жамоаси репертуарида қўллаб топилди. Жамоанинг "Омон ёр", "Гулбоққа", "Беш қарсак", "Қил-пиллама", "Ёзи кал", "Сайёдлик санам қизлар", "Воҳ-воҳей", "Уста қишлоқ" каби юздан зиёд термалари, халқ кўшиқлари, уларга ҳамоҳанг ўйинлари фақат вилоят, балки мамлакатимиздаги қўллаб-қувватлаш жой олиб улгурган.

Фориш туманидаги Сайёд қишлоғини кўпчилик "Уста қишлоқ" номи билан ҳам атайди. Боиси қишлоқ азалдан темирчи, дуторчи усталари билан машҳур. Шунингдек, ушбу қишлоқ халқимизнинг қадим аънаналари, урф-одатлари, кўшиқ, ўлан, айтишув, лапар каби маданий мерос намуналарини асраб-авайлаб келаётган ҳудудлардан. Шу сабаб, дастлаб тўю томоша, гап-гаштакларда кўшиқлар ижро этиб юрган бир гуруҳ ҳаваскор ижрочилар кейинчалик қишлоқда "Боғдон гуллари" халқ



фольклор-этнографик дастасига асос солишди. Ижро этиладиган кўшиқлар илмий жиҳатдан ўрганилди, такомиллаштирилди. Янада бойитилиб, халқ эътиборига ҳавола этилди. Жамоада Амиргул Турсунмуродова, Маҳкамтош Кўндиева, Инobat Бобонова, Шердил Қосимов, Бахтиёр Мавлонов каби моҳир ижрочилар қўйлайдиган кўшиқларда туғилиб ўсган юрт таърифи содда ва самимий сатрларда мадҳ этилиб, миллий удум ва аъналаримиз ички фахр туйғуси билан қўйланади.

Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ оғзаки ижодиёти, миллий урф-одатлар, маросимлар, рақс, халқ томоша санъатини ўзида мужассам этган

фольклор ижрочилиги ҳар бир ҳудудда ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Бу ижро ўзининг табиийлиги, самимийлиги билан инсонларнинг юрагига тез кириб боради. Бугун вилоятнинг Фаллаорол туманида "Гаштак", Жиззах туманида "Зебонхон", Зоминда "Зомин сайқали", Зафарободда "Тўққиз кўз", Зарбдорда "Ойпар" каби фольклор-этнографик жамоалари мавжуд. Улар репертуарларида ушбу ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатлари яққол кўзга ташланади.

— Фольклорда энг асосийси шева ҳисобланади, — дейди Амиргул Турсунмуродова. — Фориш тумани ўзига хос шеваси билан бошқа туманлардан бутунлай фарқ қилади. Шу боис, тоғлиқларга хос соддалик ва шиддат кўшиқларимизда яққол сезилиб туради. Фольклор кўшиқларида танқид, киноя ва танбехона сўзлар ҳам учрайди. Коса тагида нимкоса, деган гап айнан фольклорга хос. Шунинг учун бу фольклор намуналари тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан ҳам эътиборга молик.

Фольклор кўшиқларига меҳр, улардан завқланиш халқимизга хос хусусият. Эътибор берсангиз, фольклор кўшиқ ижрочилари ниҳоятда ҳама, толқир бўлади. Ижро этилган кўшиқларда ҳамма нарса, масалан, йил фасллари, маросим, урф-одат, аъналар билан бирга, аниқ йўналиш ва жанр хусусиятларига ҳам алоҳида аҳамият берилади.


Шу маънода "Боғдон гуллари" фольклор — этнографик жамоаси репертуаридан халқ оғзаки ижодининг қўллаб-қувватлаш намуналари, вилоятнинг олис тоғ қишлоқлари аҳолисига хос бўлган урф-одат, юрти билан фахрланувчи замондошларимизнинг бунёдкорлик ишлари, орзу-интилишлари, қувончларини ифода этувчи кўшиқлар ўрин олган.

Бу эса халқимизнинг миллий аъна ва қадриятларини асраб-авайлаш, ёшлар қалбида Ватанимизнинг кўна маданиятидан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дилноза ҲАЙИТОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

### Қарор ва ижро

## Янги зиё маскани



Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот-ресурс маркази болалар кутубхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий билимларини пухта эгаллаши, юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етиши, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва янада ривожлантиришда ахборот-ресурс марказлари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишини сифат жиҳатидан ривожлантиришни

давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида қад ростирилган зиё маскани қурилишига 4 миллиард 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Кутубхонада жажжи китобсеварлар учун барча қўлайлик яратилган. 36 ўринли ўқув зали, 24 ўринли компьютер хонаси, 50 ўринли мажлислар зали ҳамда маслаҳат хонаси замонавий тарзда жиҳозланган.

— Болалар кутубхонаси 6 миң китоб фондига эга, — дейди ахборот-ресурс маркази раҳбари Зулфия Сейтниева. — Бу ерда кутубхона



Ў.А олган суратлар.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолдин САФОВЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Бекзод НОРБОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55. Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47. Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41. Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73. Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74. Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 нумар табоқ офсет ускулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 425, Адади — 10149. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

**Навбатчи муҳаррир:** Умида УЗОҚОВА

**Навбатчи:** Ҳасан САЛОМОВ

**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ

**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 23.40.

ISSN 2010-7714